

Пирмухаммадхон ибн Жонибек султон
(?-1567-й. 12-март)
(1556-1561)

Балх хокими (1546-67). Шайбонийлар хони. Унинг даврида Балх хокимлиги кучайиб тўлик мустакил хонликка айланган. Бухоро хони Абдулазиз (1540-50) Балхнинг мустакиллигини бархам бериш мақсадида катта харбий юришга отланган, бироқ бу сафар унинг вафоти туфайли қолдирилган. Бухоро тахтига Муҳаммадёр султон ўтказилган. Пирмухаммад таъзия билдириш учун Бухорога келиб, турли найранглар билан тахтни эгаллаб олган (1550-й. 18-август). Бироқ амалдорлар ва уламоларнинг аксарияти уни қўллаб қуватламаган. Жўйбор хожаларидан Хижа Муҳаммад Ислон ҳам уни тан олмаган. Пирмухаммадхон шундан сўнг Бухоро тахтига ўз кишиси – шайбонийлардан Умаргози Султон (Ўзбекхон)ни ўтказишга қўп уринган. У Бухоро оилй ҳукмдори сифатида бир йилча турган, лекин амирлар ва эшон Хожа Муҳаммад Султондан қўмак ололмагач, Бухорони тарк этишга, тахтни яна Муҳаммадёр Султонга қайтаришга мажбур бўлган. Мовароуннахрдаги ички низолар кучайган даврда (1551-56-й.) Пирмухаммад жияни Абдуллахонни (Абдуллахон II) Наврўз Аҳмадхонга қарши курашини қувватлаб турган. Наврўз Аҳмадхоннинг ўлиmidан фойдаланган Абдуллахон Бухорони эгаллаган. Пирмухаммад номига хутба ўқилган. Пирмухаммадхон 1561-йил 18-апрелгача шайбонийларнинг оилй хони бўлиб қолган, гарчи унинг номига хутба ўқилган ва танга пуллар зарб қилинган бўлсада, у факат номига хон эди. Бадахшон ва Балхдаги нотинчликлар туфайли Пирмухаммад Балхни тарк этиб, Бухорога кела олмасди. Шунинг учун 1557-йилдан амалда Абдуллахон ҳукмронлик қилган. Бадахшон хокими теурий Сулаймоншоҳ 1560-й. июл-августда Балхга юриш қилганда Пирмухаммадхон Абдуллахон IIдан ёрдам сўраган. Чашмаи қозирон деган жойдаги жангда шайбонийлар галаба қозонган. Бундан рухланган Пирмухаммадхон Тохаристондаги Кундуз ва Толикон шаҳарларини эгаллаш мақсадида 1560-йил 5-сентябр ойида юриш қилган. 1561-йилда Пирмухаммадхон билан Абдуллахон II ўртасида ихтилоф юзага қелган, бунга сабаб Пирмухаммадхоннинг Бухорони Абдуллахон IIдан тортиб олиб, эвазига Балхни бермокчи эканлиги бўлган. Бироқ бунга Пирмухаммадхоннинг ўгли Динмухаммад султон қорози бўлиб, отасига қрши исён қўтарган. Хожа Муҳаммад Ислон ҳам бунга қарши қиккан. Абдуллахон II Қарманадан отаси Искандархонни қелтириб тахтга ўтказган (1561-йил май) ва Пирмухаммад номини хутбадаб қикариб ташлаган. Пирмухаммадхон фаол ички ва Ташки сиёсат қургизган. Унинг даврида Балх хонлиги Абивард, Марв қилояти ва Термиз қисобга қенгайган. Жанубдаги Қурзувон ва Қарқистон қилоятлари қегаралари мустанақланган.